

БУГУНГИ КУНДА ЁШЛАРНИНГ МАДАНИЙ ҚИЁФАСИНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ЖИХАТЛАРИ

Раматов Ж.С.

Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири

Жуманиёзова Н.С.

Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси в.б.доценти

Хасанов М.

Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси
ўқитувчиси.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бугунги кундаги ёшларнинг маданий қиёфасини ўрганишнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари таҳлил қилинган. Ёшларни замонавий маданий қиёфаси ва умуминсоний қадриятлар ҳамоҳанглиги асосида урф-одат ва анъаналар замонавий шаклга келганлиги илмий далиллар билан кўрсатилган. Ёшлар маданий қиёфаси ва умуминсоний қадриятларни ўрганишнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари илмий асосда таҳлил қилинган.

***Калит сўзлар:** Умуминсоний қадриятлар, ёшлар, маданий қиёфа, валеологик маданият, қадрият, миллий маданий анъана, ижтимоийлашув.*

ABSTRACT

This article analyzes the socio-philosophical aspect of studying the cultural image of today's youth. It has been shown by scientific evidence that the harmony between the modern cultural image of Yohslap and the general tradition has become a modern form of customs and traditions. The socio-philosophical aspect of the study of youth culture and general culture has been analyzed on a scientific basis.

***Keywords:** General culture, youth, cultural image, valeological culture, value, national cultural tradition, socialization.*

КИРИШ

Янги Ўзбекистоннинг демократик тамойиллар асосида фуқаролик жамияти қуришда ҳам ёшларимизнинг замонавий маданий қиёфасини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки замонавий маданий қиёфаси учун ҳар бир инсондан масъулият муҳим фаолият тамойилларидан бири бўлиши лозим. Шу маънода, замонавий маданий қиёфа тушунчасини умуминсоний қадриятлар

тизими доирасида ўрганиш муҳим илмий методологик ёндашувлардан бўлиб қолмоқда.

Ёшларнинг маданий қиёфасини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан умуминсоний қадриятларга муносабатни баҳолашда экологик ва валеологик маданиятни ривожлантириш дастлабки таъсир омили ҳисобланади. «Табиий қадриятларга муносабат кишилиқ жамиятининг энг муҳим муаммолари жумласига киради. Бу масалани тўғри ҳал этиш эса одамларнинг ҳаётини яхшилашга, маданий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Зеро, табиат яхлит тизим сифатида ўзига нисбатан оқилона муносабатни талаб қилади. Табиий муҳит инқирозга юз тутгудек бўлса, ижтимоий-иқтисодий ўсишни, барқарор сиёсий муҳитни таъминлаб бўлмайди. Фақат табиат билан уйғунлашган ҳаётгина диалектик тараққиётга олиб боради»[1].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Дарҳақиқат, табиатдаги инсон билан боғлиқ бўлган диалектик алоқадорлик доимий ва синергетик мазмунда давом этиб боради. Биосфера ва ноосферанинг диалектик боғлиқлигини ҳам зарурий омил сифатида кўришимиз мумкин.

«Валеологик маданият – бу соғлом турмуш маданияти асослари бўйича билим ва кўникмага эга бўлиб, ҳаёт ва фаолиятга талаб даражасида тайёрланишдир»[2].

Ёшлар фаолияти ва турмуш тарзида валеологик маданиятга эришиш бугун глобаллашув шароитида умуминсоний қадриятлар қаторига кўтарилмоқда.

«Валеологик маданият Ғарб илм-фанида назарий асосланган бўлсада, лекин унинг ўқ илдизлари қадим даврлардан маънавий меросимиз бўлган манбаларимизда таъкидланган. Шу жиҳатдан Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино каби олимлар, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур кабиларнинг ахлоқий покликка доир таълимотлари, Аҳмад Дониш, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитратнинг ҳаётий мақсад муддаолари ва ижтимоий фаолликка оид ҳозирги кунда ёшларда валеологик маданиятни шакллантириш учун асос вазифасини бажармоқда»[3].

Демографик нуқтаи-назардан қараганда, мамлакатимиздаги ёшлар йиллар ўтиб давлат ислохотларини амалга оширувчи асосий кучга айланади. Табиийки, улар бугун қайси ғоя руҳида тарбия топса, фаолиятини ҳам шу ғоя асосида олиб борадилар. Таъкидлаш жоизки, ўсиб келаётган ёш авлод тарихий маданий мерос асосида тарбия топса, мамлакат келажаги буюк бўлиши муқаррардир.

Бу биринчидан, мамлакатнинг келажаги билан боғлиқ муаммо бўлганлиги учун ҳам масалага алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Иккинчидан, ёшларнинг замонавий маданий қиёфасида миллий-маънавий кадриятлар осонликча ўз ифодасини топавермайди. Унга бошқа халқлар, маданиятлар билан боғлиқ кадриятлар ҳам ўзининг таъсирини кўрсатиб, ўзига хос ишонч ва эътиқод туйғуларини уйғотиши мумкин. Носоғлом, эзгуликка йўналтирилмаган ғоя ва мафкура билан боғлиқ кадриятларни фарқлашлари учун ҳам ёшларнинг ҳаётга бўлган муносабатлари миллий кадриятларга мос тарзда шаклланишига алоҳида эътибор қаратиш зарурияти мавжуд.

Масалан, аждодимиз Амур Темурнинг «Темур тузук»ларидаги ҳар бир тузукларида ўзига хос кадриятлар тизими мужассамлашган ва умуминсоний даражада бўлган. «Ўн биринчи тузик. – фарзандлар, қариндошлар, ёру биродарлар, кўшнилар ва мен билан бир вақтлар дўстлик қилган барча одамларни давлату неъмат мартабасига эришганимдан унутмадим, (молу мулк ва нахт пул билан) ҳақларини адо этдим. Ўз фарзандларим, қавму қариндошларимдан қариндошлик меҳрини узмадим. Улардан нораво иш ўтган бўлса, дарҳол (қўл-оёғини) боғлаб ўлдиришга буюрмадим. Ҳар кимни (туриш-турмушнинг пасту баландларида) турли йўллар билан синаб, билиб олдим ва уларга шунга яраша муомала қилдим. Ҳаётнинг кўп иссиқ-совуғини кўриб, улардан сабоқ олиб, тажрибамни оширдим. Шунинг учун дўсту душман билан келишиб яшадим»[4].

Учинчидан, бугунги глобаллашув жараёни ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига ўзининг таъсирини кўрсатмоқда. Ёшларнинг бу жараёнлардан холи эмаслигини ҳисобга олиш лозим. Бу бир томондан умумий, табиий жараён. Чунки ҳозирги ахборотлашган жамият муҳитидан ёшлар турли таъсир омиллари орқали хабардор бўлаяпти. Лекин, уларнинг маданий қиёфа даражаси кадриятларга нисбатан турли хил бўлиши мумкин. Айрим ёшларда халқнинг миллий-маънавий кадриятларига зид хатти-ҳаракат, носоғлом ғоялар, кадриятларга мойиллик ҳам пайдо бўлиши мумкин. Шу боис Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг жойлардаги бўлимлари ҳамда иш фаолиятида глобаллашувнинг ёш авлод маданий қиёфасига салбий таъсирини олдини олиш йўлларини ўрганишга катта эҳтиёж мавжуд. «Ижтимоий тарбия жараёни талабаларнинг ижтимоий фазилатларини шакллантириш, унинг атроф-теварак, жамият, одамлар ҳамда ўзига нисбатан муносабатлари доирасини вужудга келтириш ва кенгайтиришга қаратилган. Олий таълимда талабалар иштирок этадиган ижтимоий муносабатлар тизими қанчалик кенг, хилма- хил ва чуқур бўлса уларнинг маънавияти шунчалик бой бўлади»[5].

Тўртинчидан, ёшларнинг фаоллигини бошқариш демократик тамойилларга тўғри келмайди. Фикр эркинлиги ва хилма-хиллиги шароитида, айниқса, уни

ҳисобга олишда бошқарув кадрларидан алоҳида қобилият, раҳбарлик маҳорати, билим, демократик дунёқараш талаб этилади. Бунинг учун ёшларнинг ижтимоий ҳаёт тарзини кўпроқ ўрганиш лозим. Шу нуқтаи назардан, аввало, ёшларнинг кадриятларга муносабати ҳам тўғри шаклланган бўлиши керак. Бу уларнинг фаолияти орқали миллий кадриятларнинг тўғри шаклланишида муҳим ўрин тутди. Демак, миллий ва умуминсоний кадриятлар бошқарув жараёнлари билан ҳам боғлиқ деб айтиш мумкин.

Жамиятнинг янгиланиши ва модернизация жараёнлари миллий-маънавий кадриятларни асраш ва янада барқарор воқеликка айлантириш заруриятини кўрсатмоқда. Ёшлар билан ишлашда масъул бўлган ҳар бир мутасадди раҳбардан тегишли хулоса, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни, уни ҳаётга татбиқ этиб боришни тақозо этмоқда. Бунда ёшларнинг миллий ва умумбашарий кадриятларга муносабати амалий фаолиятдаги фаоллиги орқали қандай намоён бўлиши уларнинг замонавий маданий қиёфаси билан узвий боғлиқдир. Ёшлар замонавий маданий қиёфаси кенг қамровли ижтимоий ҳодиса сифатида институционал ёндашувни тақозо этадиган муҳим стратегик масаладир. Мазкур масалага мактабгача таълим ташкилотлари, мактаблар, Олий ўқув юртлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, хусусан, Ёшлар Иттифоқи маҳалла жамоатчилиқ структуралари мақсадли ёндашишлари лозим.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг ёшлар маданий қиёфасини шакллантиришдаги ўрнини кучайтиришда қуйидаги таклифларни амалга ошириш юқори самараларга эришишда муҳим ўрин тутди, жумладан:

- барча фуқаролар йиғинлари ҳудудида истиқомат қилувчи нотинч, муаммоли оилаларнинг, айниқса, ота-онасидан маҳрум бўлган ва боқувчисини йўқотган оилаларда тарбияланаётган фарзандлар учун яратилган шароитларни ўрганиб бориш, таҳлил этиш ва соғлом муҳитни тарғиб этиш юзасидан марказларни ташкил этиш;

- боқувчисини йўқотган кам таъминланган оилада тарбия топаётган қаровсиз қолган вояга етмаган болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларни ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида иш ва ўқишга жойлаштириш масалаларида амалий ёрдам кўрсатиб бориш;

- салбий оқибатларга олиб келувчи ва келтириб чиқарувчи сабабларини ўрганиш ва таҳлил этиш, маҳаллаларда аҳоли ўртасида яхши қўшничилик, меҳр-оқибат муносабатларига хос бўлган ота-онасидан маҳрум бўлган болаларни қариндош-уруғлари қарамоғи ҳимоясига олиш каби ибратли миллий урф-одатларимизни тарғиб қилиш;

- ёшлар ўртасида баъзи ҳолларда учраб турадиган турли қийинчиликлар, оилавий муаммолар туфайли юзага келадиган руҳий тушкунлик ва бошқа нохуш ҳолатларда руҳий кўмак беришга ихтисослашган психологик (руҳшунослик) хизматларни, болаларнинг ҳуқуқлари паймол бўлганда муурожаат этадиган махсус «Ҳуқуқий маслаҳатхона»ларни ташкил этиш, ҳудудда фаолият юритаётган ҳуқуқшуносларни жамоатчилик асосида маҳаллаларга бириктириш ҳамда уларнинг фаолияти юзасидан мониторинг ташкил этиш;

- барча фуқаролар йиғинлари ҳудудида истиқомат қилувчи боқувчисини йўқотган чин етим болаларнинг рўйхатини тузиб чиқиш орқали мониторингни амалга ошириш;

- ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга оид қонунлар билан ёшларни таништириш;

- маҳаллаларда ичкиликбозликка, гиёҳвандликка ружу қўйганлар, оилалар турмуш даражасини баҳолаш ва девиант хулқ атвор белгиларини бартараф этиш;

- ҳар бир ўқув ва таълим муассасалари ҳамда маҳаллалар қошида болаларнинг миллий хунармандчиликка бўлган қизиқишларини орттириш ва бўш вақтларида бандлигини таъминлаш мақсадида бепул касб-хунар ўрганиш марказлари ташкил этиш;

- салбий кўрсаткичлари юқори бўлган ҳудудларда ёшларнинг бандлик даражасини ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилиш, натижалари юзасидан ёшлар учун имтиёзли бўлган турли тўғарақлар ва иш ўринлари яратиш;

- тарбияси оғир болалар учун таътил даврида уларнинг бандлигини таъминлаш ва улар билан тарбиявий ишлар олиб бориш мақсадида оромгоҳлар ташкил этиш ҳамда уларни касб-хунарга йўналтириш.

Ёшларни ижтимоий жабҳаларга тортиш уларда сиёсий маданиятини ошириш кўзланган мақсадга етказиш омилидир. Ёшлар сиёсий фаоллашувининг моҳияти уларнинг иқтисод, сиёсат соҳасидаги фаол кучи, янги сифатий ҳолати билан белгиланади. Мазкур амалиёт ҳам жамият, ҳам ёшларни ўзига жалб этади. Мамлакатимизда бу масалага эътибор берилаётган бўлсада унинг назоратини кучайтириш лозим бўлади.

Инсон қадри, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш Янги Ўзбекистон тараққиётига эришишнинг асосий мақсадидир. Бу эса ёшларнинг кенг қатлам сифатида қадриятларга муносабатига, таълимнинг мазмунига ва зарурий ижтимоийлашувида намоён бўлади. Таълимнинг ижтимоийлашуви энг аввало ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида шаклланади. Шу

боис, умуминсоний кадриятлар барча замонларда мамлакатларнинг ҳаётида алоҳида ўринга эга ва шундай бўлиб қолмоқда. Умуминсоний кадриятлар ижтимоий жараёнлар маҳсули ва эҳтиёжнинг натижасида вужудга келадиган ва дунёқрашидаги ўзгаришни талаб этадиган ҳодисадир. Умуминсоний кадриятларни англаш даражаси инсоннинг ақлига боғлиқ бўлади.

Юқорида кўрдикки, ёшларнинг сиёсий мавжудотга айланишида ижтимоийлашув ҳал қилувчи босқич вазифасини бажаради. Шу ўринда, назаримизда инсонни ижтимоийлашувга ундовчи ёки омилларни аниқлаштиришимиз лозим. Чунки, бунинг натижасида ижтимоийлашувнинг асл моҳиятини англашимиз мумкин бўлади. Фикримизча, инсонни «энг олий бойлиги» дан яъни табиий эркинликларидан «воз кечиб» жамиятдаги мавжуд меъёрларни қабул қилишга ундовчи биринчи омил бу-ўзининг табиий ноқулайликларни (жисмоний ожизлиги, ўз эҳтиёжларини яқка ҳолда қондира олмаслиги ва бошқалар) бартараф қилишга интилишдир. Иккинчи омил бу-ўз эркинликларини жамиятдаги мавжуд меъёрлар орқали кафолатлаб олишга урунишдир. Аслида, бизнингча ижтимоийлашув жамият ва инсон ўртасида ўзаро мулоқот воситасида, жамият эса унинг эркинликларини меъёрлар орқали кафолатлайди.

Турли ёшдаги ёшлар ҳаётга қарашлари ва ҳаётий кадриятларни идрок этишлари билан, ҳатто ёш фарқлари нисбатан кичик бўлган гуруҳларда ҳам фарқланади. Масалан, бугунги кунда 25 ёшдан ошган ёшлар ва мактаб ёшидаги ёшларнинг дунёқараши, она Ватанга бўлган эътиқоди, кадриятларини тарғиб этиш каби хусусиятлар ҳақида турлича қарашлари мавжуд. Бунинг асосий сабаби - замонавий цивилизация тушунчаси ва кадриятларнинг глобал муносабатларга нисбатан ўзгариши. Ёшлар ўз даврининг энг машҳур ва қизиқарли тушунчаларини ўзлаштиришга ҳаракат қиладилар, ўз муҳити ҳақидаги тасаввурларга тақлид қиладилар.

Асосий кадриятларнинг устунлиги табиий ҳодисадир. Моҳиятан улар маълум даражада ижтимоий ва обрўли эҳтиёжлар асосини шакллантириш омиллари сифатида эътироф этилади. Ёшларнинг асосий кадриятларининг аҳамиятини таҳлил қилиш (эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда) ёшларнинг ижтимоий онгида умумий инсоний кадриятлар: саломатлик, моддий таъминот, авлодлар қарамлиги ва ўзига ишонч устунлик қилишини кўрсатди. Яқуний кадрият ориентацияси – бу ўтиш давридаги ёшлар учун муҳим бўлган асосий хусусиятларнинг типидир. Оила ва ота-она кадриятлари ўртасидаги кўрсаткичлар (иккинчиси устунлик қилади) ёш авлоднинг кичик ижтимоий тажрибаси, ёш авлоднинг ёш хусусиятлари, шунингдек, анъанавий умумий

авлод кадриятларининг устунлиги билан изоҳланади. Ёшларнинг ота-оналари олдида етарлича масъулиятли эканини билиши ёшларнинг маънавий-ҳуқуқий соҳада келажаги буюк эканидан далолат беради. Бу салоҳиятни рўёбга чиқариш даражасини ҳаёт кўрсатади.

Ёшлар онгида ушбу кадриятнинг алоҳида долзарблиги шуни кўрсатадики, ёшларнинг асосий кадриятларида уларнинг ҳозирги ва келажакдаги молиявий аҳволи уларга боғлиқ деган фикр мавжуд. Ушбу қийматнинг ўзгариш йўналиши истеъмолчига йўналтирилганлиги билан тавсифланади. Миллий маданий анъана ва кадриятларимизни асраб-авайлаш ва янада ривожлантириш масъулияти ана шу ёшлар зиммасига тушади. Ёшларнинг маданий ўзига хослигини ва унинг сифат даражасини аниқлаш Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-давлат тараққиёт даражасини, миллий менталитетнинг мустақамлигини, шунингдек, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини белгилайди. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ёшларнинг маданий тартиби алоҳида ҳодиса сифатида шаклланишини кўрамиз. Шу муносабат билан биз учун қизиқарли савол, Бу ёшларнинг маданий ўзини-ўзи англаши, маънавий-маданий кадриятларни ўзлаштириши масаласидир. Ижтимоий лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш ва инқироздан чиқиш, жамият барқарорлиги ва яхлитлигини сақлашда аҳолининг маданий ривожланишининг аҳамияти ёшларнинг маданий кадриятлари, йўналишлари ва маданий идеаллари масалаларининг долзарблигини оширади. Модернизация жараёни, коммуникатив тафаккурнинг жамият ҳаётига кириб бориши маданий ўзини ўзи белгилаш масаласини кўтаради. Шу муносабат билан ёшларнинг маънавий маданиятини шакллантириш борасидаги тарбиявий ишлар янада мураккаблашиб бормоқда. Бу маданият фалсафаси ва маданий антропология учун ижтимоий муносабатлар ва унинг маданий шаклидаги инсон мазмунини аниқлашнинг долзарблигини оширади. Яъни, ахлоқнинг маънавий кадриятлар орқали ижтимоийлашуви сиёсатнинг ахлоқий кадриятлар билан уйғунлашуви жараёнини белгилайди.

Ёшларнинг кадриятларга муносабатларини инобатга оладиган бўлсак, кадрлар салоҳияти қуйидагиларда намоён бўлади:

- ақлий салоҳият, узлуксиз таълим доирасида орттирилган қобилиятларни ўз ичига олади;

- ижтимоий салоҳият, самарали ижтимоийлашувни таъминлайдиган мулоқотга киришиш қобилиятини ўз ичига олади;

- профессионал тажриба билан боғлиқ салоҳият, касб малакаси билан боғлиқ тажрибани умумлаштириш кўникмаларини ўз ичига олади;

- психологик-физиологик салоҳият[6].

Ёшлар замонавий маданий қиёфаси ва умуминсоний қадриятлар ҳамоҳанглиги асосида урф-одат ва анъаналар замонавий шаклга келади. Миллий анъана, урф-одатлар – миллий дунёқараш манбаи ҳамдир. Азалдан ҳар бир авлод ўз ота-оналаридан дунёқарашни ўзлаштириб, ўз дунёқарашига айлантириб ва шу асосда фарзандлари дунёқарашини шакллантириб, мерос тарзида узатиб келади. Ҳозирги замонда юз бераётган глобаллашув жараёни ва уни одамларнинг онги ва кайфиятига бўлган таъсири комил инсонни тарбиялаш билан боғлиқ масалаларга янгича ёндашишни тақозо этмоқда.

ХУЛОСА

Миллий анъана, маросим ва одатлар ўз моҳияти билан инсон руҳига, маънавияти, мафқурасига бевосита, норасмий, амалий таъсир кўрсатиши билан алоҳида тарбиявий аҳамиятга эга. Тараққиётнинг янги манзиллари белгилаб олинганида янги анъаналар ҳам пайдо бўла боради. Бугунги илмий-технологик тараққиёт бизга ўз талаблари, жумладан, вақт ва маблағни бекорга совурмасликни, турмушимизни бугун – кечагидан, эртага – бугунгидан яхшироқ қилишга қаратишни талаб қилмоқда.

Агарда биз буни инкор қилиб, дабдабага ружу қўйсақ, исрофгарчилик қилсақ, болаларимизга билим ўрнига пул беришни маъқул кўрсақ, янглишамиз. Чунки маърифатли миллатлар ўз фарзандларини билим билан қуроқлантириб, жуда тез ривожланмоқда. Улардан ўтиб кетишимиз учун ана шу мақсадимизга хизмат қилувчи анъаналаримизни тиклашимиз, янгиларини яратишимиз керак. Қисқача айтганда, ўзлигига таянган миллат ёшлари замонавий маданий қиёфага эга бўлишлари зарур.

REFERENCES

1. Хусанбаева, Ю., & Саъдуллаева, Д. (2023). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИ. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 3(3), 48-51.
2. Салимсакова, Н. С., & Хусанбаева, Ю. Б. (2021). СОЦИАЛЬНАЯ ЗАЩИТА КАК СОЦИОЛОГИЧЕСКИЙ ФЕНОМЕН. *ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ*, (SI-1).
3. Назарбоева, Б. А., & Хусанбаева, Ю. Б. (2021). ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ ҲАЁТИДА ЁШЛАР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИНГ ЎРНИ. *ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ*, 4(4).

4. Хошимова, Г. Ф., & Хусанбаева, Ю. Б. (2020). ВЗАИМОСВЯЗЬ ВИРТУАЛЬНОГО И ДУХОВНОГО МИРА НА ФОНЕ ГЛОБАЛИЗАЦИИ. *ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ*, 3(4).
5. Kurultaevich, I. K., Zairjanovich, Y. S., Abdullayevna, S. D., Botirovich, T. B., & Anatolievna, T. M. (2023). Specifics Of Teaching Foreign Language Speaking To Students At A Non-Linguistic Institute (Iper) In The Distance Learning Format. *Best Journal of Innovation in Science, Research and Development*, 2(10), 549-559.
6. Sadikova, D. A. (2023). TEACHING RUSSIAN AS A FOREIGN LANGUAGE IN THE MODERN STUDY OUTLOOK: TEACHING DICTIONARIES. *World of Scientific news in Science*, 1(2), 104-115.
7. Saparbaevna, R. R., Allanazarovna, E. R., & Nawbahar, O. (2020). Physiological Ergogenic Medicines: Modern Trends Of Application In The Training Of Athletes. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(03), 2020.
8. Reymbaeva Roza, Ernazarova Raya, Joldasbaeva Gulchexra, & Allamberganova Laura. (2023). HANDBALL EFFICIENCY IN THE SYSTEM OF PHYSICAL EDUCATION. *Innovations in Technology and Science Education*, 2(14), 721–725. Retrieved from <https://humoscience.com/index.php/itse/article/view/1774>
9. Roza, R., Talgat, K., Raya, E., & Aynura, P. (2023). THE CONTENT AND FORMS OF SUPPORT FOR PROFESSIONAL SELF-DETERMINATION OF STUDENT TEACHERS. *Innovations in Technology and Science Education*, 2(10), 273-279.
10. Saparbaevna, R. R., Erejepovich, K. D., Allanazarovna, E. R., & Sabitovna, P. A. (2022). Organization Of Rational Nutrition of Athletes in Training and Competitive Activities. *Specialusis Ugdymas*, 2(43), 3566-3568.
11. Saparbaevna, R. R., & Allanazarovna, E. R. (2020). Aspects Of Studying Snakes In The Fauna Of Uzbekistan. *Solid State Technology*, 63(6), 3765-3771.